

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Икрамов Мурат Акрамович, ТДИУ профессори,
Эшматов Санжар, ТДИУ ассистенти,
Набиева Н. М., ФарПИ ассистенти

Аннотация: Мақола озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда транспорт масалаларига бағишланган. Олимлар ва халқаро ташкилотларнинг озиқ-овқат хавфсизлигида транспорт хизматларнинг ролини кўрсатувчи илмий қарашлар ўрганилган ҳамда Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ва транспорт хизматларини такомиллаштириш бўйича мавжуд имкониятлар таҳлили келтирилган.

Аннотация: Статья посвящена изучению транспортных вопросов обеспечения продовольственной безопасности. Исследованы научные взгляды ученых и международных организаций о роли транспортных услуг в обеспечении продовольственной безопасности, а также приведены анализы проведенных мер и существующих возможностей по совершенствованию транспортных услуг в Узбекистане.

Abstract: The article is devoted to the study of transport issues food security provision. We examined the scientific views of scholars and international organizations about the role of transport services in food security provision and presented the analyzes of the implemented measures and existent opportunities for improving transport services in Uzbekistan.

Калим сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, транспорт хизматлари, логистик марказлар, ташув жараёнлари.

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Орипов 2016 йил 14-декабрда Олий мажлис ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги нутқида 2017 йилги давлат дастурининг биринчи галдаги вазифалар орасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди [2]. Ушбу масалани ижобий ҳал этиш борасида озиқ-овқатлар транспортировкасини ташкил этиш ҳамда ташқи бозорга етказиб бериш муҳим ўрин эгаллайди. Мустақиллик йиллари мобайнида мева-сабзавотларнинг асосий турлари бўйича сотилиш ҳажми етти маротабага ошди – 72,1 минг тоннадан деярли 500 минг тоннагача етган [4]. Экспорт таркибидаги 73 фоизини мева-сабзавот ташкил этган бўлса, қурилган ва қайта ишланган маҳсулот 14 фоизни ҳамда қолган 13 фоизни дон-дўққак маҳсулотлари ташкил этган [4]. Статистик маълумотларга кўра 2016 йил тўққиз ой мобайнида республикамизнинг мева-сабзавот маҳсулотининг экспорт ҳажми 1,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этган [4].

2014 йил “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда Ўзбекистон

мазкур соҳада етакчилар қаторида эканлигини намоён этган бўлсада, ҳали бу соҳада ечимини кутаётган масалалар бор эканлигини кўришимиз мумкин. Шулардан бири бўлиб етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга етказиш жараёнидаги транспорт таъминотидан самарали фойдаланиш масаласидир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти таърифига кўра, озиқ-овқат хавфсизлиги – барча аҳолининг ҳаёт кечириши учун ҳажм ва сифат жиҳатдан етарли бўлган озиқ-овқатга ҳам жисмоний ҳам иқтисодий имкониятларнинг етарлилигидир [7].

Ушбу таърифда аҳолининг жисмоний ва иқтисодий имкониятларини калит сўзлари бўлиб, ушбу имкониятларни оширишга озиқ-овқат маҳсулотларининг транспорт харажатларини пасайтириш ва логистик инфратузилмани ривожлантириш орқали эришилади.

Кўпгина адабиётларда транспорт-коммуникация тизимининг ривожланмаганлиги озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсир этувчи омил сифатида қаралади. Хусусан, Н.В. Муратов озиқ-овқат хавфсизлигига таъсир этувчи таҳдидларни санаб, мамлакат транспорт ташувлари бозорида хорижий логистика ва транспорт компанияларининг устунлиги ҳамда уларнинг монополлашуви мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги учун катта таҳдидлардан экани келтириб ўтилади [8].

Фредерик М. транспортировкага озиқ-овқат хавфсизлигининг ажралмас қисми сифатида қараб, савдо жараёнининг самарадорлигига хизмат қилади деб таъкидлайди [9].

Т.М. Ворожейкина қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорида транспорт харажатларининг юқорилиги соҳани консолидация қилишга тўсқинлик қилувчи омиллардан бири сифатида қарайди [10].

Глобаль озиқ-овқат хавфсизлиги индексини ҳисоблаш методологиясида ҳам транспорт (йўл) инфратузилмасига эътибор қаратилган. Унга кўра, жами 28 та турли хил кўрсаткичларни 3 та гуруҳга ажратилган ҳолда таҳлиллар ўтказилади [11].

Булардан кўриниб турибдики, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда транспорт хизматларини такомиллаштириш кўп жиҳатдан долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси

Мақолани ёзишда таҳлил ва мантиқийлик каби усулларида фойдаланиб, муаммони очиб беришга ҳаракат қилинган. Тадқиқот учун зарур ахборотлар асосан хорижий адабиётлар, статистик ва меъёрий-ҳуқуқий маълумотлар базасидан олинган.

Таҳлил ва натижалар

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида логистика, жумладан, транспорт операцияларини амалга ошираётган провайдерлар миқдори жуда кам. Навоий, Ангрен логистик марказлар фаолиятини юритилиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, алоҳида хизмат турлари билан, яъни транспорт, юкларни экспедициялаш, божхона

тартибларини амалга ошириш, сақлаш, юклашга ўхшаган хизматларни кўрсатиш бўйича алоҳида компаниялар мавжуд.

Масалан, мева-сабзавотни юклаш ва ташувни амалга ошириш борасида республикамизда 200 дан ортиқ транспорт компаниялари мавжуд бўлиб, уларда жами 640 дан кўпроқ авторефрижираторлар ўртача йиллик ташув қуввати 12840 тонна юкни ташкил этади [6].


Экспорт маҳсулотлари, жумладан, янги етиштирилган мева-сабзавотларни “Ўрта Осиётранс” акционер жамиятининг 170 тадан ортиқ автопоездлар ёрдамида амалга оширилиб, Жанубий Кореянинг “Hanjin CoLtd” билан ҳамкорликда “Евроосиё Логистика Сервис” қўшма корхонаси ташкил қилинган. Ушбу қўшма корхонанинг транспорт воситалари асосан Ўзбекистонда ишлаб чиқиладиган “МАН” машиналар ёрдамида амалга оширилмоқда. Аммо, охириги йилларда республикамизда амалга ошириладиган иқтисодий эркинлаштириш борасида эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аъзоларига мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишга берилган имтиёзлар, хорижий инвестицияларга преференциялар берилиши ўзаро иқтисодий алоқалар ривожланишига олиб келади. Бундай ҳолатда, транспорт воситаларини ҳам микдорий, ҳам сифатли ҳолатларини яхшилашни тақозо этади.

Аммо, ҳозирги кунда ташкил этишда ўзига хос муаммолар мавжуд. Биринчидан, автотранспорт корхоналари аксарияти хусусийлаштирилган, уларни бир тизимга олиб келиштирувчи ва мувофиқлаштирувчи ташкилотнинг ўзи йўқ. Республикамиздаги мавжуд “Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги” ушбу функцияларни бажара олмаяпти. Иккинчидан, ушбу муаммодан кейинги масалалар пайдо бўлади: автотранспорт воситаларнинг ҳолати, экологик талабларга жавоб бериши, озиқ-овқатни ташувига мослашганлиги ва бошқа вазифаларни бажарилиш ҳолати. Учинчидан, халқаро алоқаларнинг ривожланиши халқаро стандартлари, қонунлари, меъёрий ҳужжатларини билишлари ва уларга амал қилишига доир кўникмаларга эга бўлиш лозим. Айниқса, ҳозирги кундаги глобализация шароитида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш, аммо, шу билан бирга ҳар-хил иқтисодий санкциялар уларни ривожлантиришига халақит беришини инобатга олиниши зарур.

Экспорт маҳсулотлари, жумладан, янги етиштирилган мева-сабзавотларни “Ўрта Осиётранс” акционер жамиятининг 170 тадан ортиқ автопоездлар ёрдамида амалга оширилиб, Жанубий Кореянинг “Hanjin CoLtd” билан ҳамкорликда “Евроосиё Логистика Сервис” қўшма корхонаси ташкил қилинган.

Ушбу қўшма корхонанинг транспорт воситалари асосан Ўзбекистонда ишлаб чиқиладиган “МАН” машиналари билан амалга оширилмоқда.

Экспорт ва импорт товарлар оқими тўғридан-тўғри ёки турли воситачилар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Ушбу ҳаракат чизмаси 1-расмда келтирилган.



1-расм. Товарлар ташуви шохобчалари

Тўғридан-тўғри юк ташуви шохобчасига қуйидаги ташқи алоқалар чизмаси мос келади: экспорт қилувчи-божхона-импорт қилувчи. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг билвосита амалга оширувчи имкониятлар қайси бир воситачи иштирок этишига қараб, турли шаклларда олиб борилиши мумкин:

- экспорт қилувчи - экспедитор - божхона брокери - божхона ташкилоти - импорт қилувчи;
- экспорт қилувчи - экспедитор - божхона ташкилоти - вақтинчалик сақлаш омбори - божхона ташуувчиси - импорт қилувчи;
- экспорт қилувчи - экспедитор - божхона ташкилоти - вақтинчалик сақлаш омбори - божхона омбори - импорт қилувчи.

Мева-сабзавотларни ташувчи бошқа товар оқимларидан фарқи шундан иборатки, улар тез бузиладиган, уларни сақлаш учун етарли техника воситалари ва сақлаш технологиясидан фойдаланишни тақозо этади. Шу сабабдан, логистик тизимларда қанча иштирокчи кам бўлиб, инфраструктура маҳсулотнинг сифатини таъминлаб беришдаги иштироки муҳим роль ўйнайди.

Бу борада ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳужжат юритиш билимларига эга бўлиши, нафақат Ўзбекистон Республикасининг, балки ташув жараёнида иштирок этувчи давлатларнинг меъёрий ҳужжатларини ўзлаштириши, тилни (хорижий) билиши, асосан, халқаро юк ташувида МДП, яъни юк ташувчининг халқаро картаси инглиз тилида тўлдирилишига ўхшаган томонларни ўзлаштириши лозим, аксинча, божхона ташкилоти томонидан ташқи иқтисодий фаолият юритаётган

субъектларни қўллаб-қувватланиши, соф бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорларга етарли шароит яратилиши тез бузиладиган тоифага кирувчи мева-сабзавотларни хорижий мижозларга етказишни ва валюта захирасини оширишни таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар

Логистика тизимидаги ташкилотлар манфаатини ўзаро мувофиқлаштиришда махсус шакллантирилган логистик маслаҳат берувчи ва амалга оширувчи компаниялар мавжуд бўлиши зарурдир. Фикримизча, ушбу жараёнга олий ўқув юртларида логистика, божхона, маркетинг ва бошқа мутахассисликларнинг имконият ва салоҳиятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Логистик тизимнинг самарали юритишда нафақат божхона қоидалари, божхона ҳужжатларини юритиш технологияси, валюта, солиқ, банк операциялари ҳақида етарли билимга эга бўлиш муҳим ўрин эгаллайди. Бу махсус тайёргарликка эга бўлишни тақозо этиб, кенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга божхона брокерларининг имкониятларидан фойдаланилади.

Республикамиз халқаро юк ташувчилар уюшмасига (АСМАП) аъзо бўлиб, ташқи бозорларга чиқишда хўжалик субъектларига ўзининг ёрдамини кўрсатиб келмоқда. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистонда транспорт вазирлиги бўлмаганлиги сабабли, кўп транспорт, айниқса, автотранспорт корхоналари халқаро талабларига жавоб бермай келмоқда ва уларни шу талабларга мувофиқлаштириш ишлари кўпинча самарасиз амалга оширилмоқда. 2016 йили Буюк ипак йўли тикланиш муносабати билан Хитой-Европа йўлини Фарғона водийси орқали тикланиши тадбиркорлар томонидан янги иқтисодий муносабатларга тайёр бўлишларини тақозо этади. Бу йўналишда "Ангрен" ва "Поп" халқаро логистик марказлар фаолиятини янада ривожлантириш, "Тошкент" ва "Термиз" халқаро логистик марказлар қурилишини якунлаш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, божхона фаолияти, юкларни ташуви, "эшикдан-эшикга" принципи асосида фаолиятини ташкил этишга ёрдам беради.

Республика ҳукумати томонидан 2011-2015 йилларга мўлжалланган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш дастури ишлаб чиқилган ва уни амалга ошириш борасида ҳозирги кунда янги музлаткич камера ва эскиларини реконструкция қилишга 187 млрд. сўм маблағ ажратилган. Ушбу маблағдан самарали фойдаланиш учун биринчи навбатда шу жараёнда иштирок этаётган кадрларнинг билим савиялари муҳим ўрин ўйнайди. Муаммони ҳал этилиши кадрларни қайта тайёрлашни тўғри йўлга қўйилиши, жумладан, ТДИУ қошидаги қайта тайёрлаш марказидан, "Логистика", "Маркетинг", "Божхона иши" кафедралар томонидан ўтказилаётган илмий тадқиқот натижаларидан фойдаланиш зарурдир.

Ундан ташқари янги темир йўлни туширилиши мавжуд инфраструктурани замонавий қабул қилувчи, қайта ишловчи, ажратувчи, қадоқлаш ва маркалаш техникаси билан жиҳозлашни тақозо этади ҳамда экспортга чиқаётган мева-сабзавотларнинг миқдори ва сифатини халқаро талаблари асосида етказиб бериш имкониятини яратади.

2017-2021 йилларга мўлжалланган стратегик бешта йўналиш ҳаракатида Республикамиздаги мева-сабзавотларининг қайта ишлаш даражасини 17 фоиздан 30 фоизга юксалтириш режалаштирилган. Албатта, бундай вазифаларни бажаришда транспорт воситалари ва логистикадан унумли фойдаланишни тақозо этади [2]. Бу борада Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Маркетинг” ва “Логистика” кафедраларида, Фарғона водийси микёсида Фарғона политехника инситути қошидаги юқорида кўтарилган масалаларни ҳал қилишга алоҳида илмий йўналиш тариқасида эътибор берилмоқда. 2017 йилдан бошлаб “Ўзбекизоқовқат-холдинг” холдинг компанияси билан интеграцион жараёнларни кучайтириш йўлида инновацион ҳамкорлик ҳақида шартнома тузилиб, ҳозирги кунда “Маркетинг” йўналиши талабаларига холдингдаги мавжуд муаммоларни ечимини топишда курс ишлари, битирув малакавий ва магистрик диссертация мавзулари тариқасида ёритилишига ҳаракат қилинмоқда.

Жорий йилнинг 3-8 январида Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар ўртасида семинар-тренинглар ўтказилди. Бундай назарий ва амалий дарслар Қўқонда очилаётган эркин иқтисодий зонада тадбиркорлар фаолиятини самарали олиб борилишига кўмаклашади деган фикрдамиз. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда “илм - фан - ишлаб чиқариш” интеграцияси такомиллаштириши барча иштирокчилар манфаатини қондирибгина қолмай, балки белгиланган стратегик вазифаларни ечимини топишга ҳам ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Ҳалқ сўзи, 2017 йил, 15 январь.

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси дастури. // Деловой партнер.uz, №6, 9-15 февраль 2017 й.

3. “Ўзбекистондан озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференция материаллари, Тошкент, 2014й.

4. www.oziq-ovqat.uz

5. www.lex.uz

6. www.stat.uz

7. Состояние продовольственной небезопасности в мире 2001 (The State of Food Insecurity in the World 2001). Рим: Продовольственная и сельскохозяйственная организация ООН (ФАО), 2002.

8. Муратов Н.В. Обеспечение продовольственной безопасности России в условиях негативного внешнеэкономического воздействия, Диссертация, Российская академия народного хозяйства и государственной службы при Президенте Российской Федерации, Москва, 2016.

9. Dr Frederick M. Were-Higenyi - Rural Transport, Agriculture & Food Security – Outcome of the SSATP/Africa College workshop at IITA, Ibadan, Nigeria, 5-7 October, 2010.

10. Ворожейкина Т.М. Мониторинг и прогнозирование продовольственной безопасности Российской Федерации, диссертация, Москва 2013.

11. <http://foodsecurityindex.eiu.com/Registered>